

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

БОЙМУРОДОВА ГУЛЗОДА ТОШТЕМИРОВНА

**МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ
ЖАРАЁНИДА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ
КОМПЕТЕНТЛИЛИГИНИ УЗЛУКСИЗ
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)

Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Боймуродова Гулзода Тоштемировна

Малака ошириш тизимини модернизациялаш жараёнида

ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини узлуксиз

ривожлантириш механизми 3

Боймуродова Гулзода Тоштемировна

Механизм непрерывного развития профессиональной

компетентности учителя в процессе модернизации системы

повышения квалификации..... 31

Боймуродова Гулзода Тоштемировна

The mechanism of continuous development of teachers' professional

competence in the process of modernization of advanced training system 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 63

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

БОЙМУРОДОВА ГУЛЗОДА ТОШТЕМИРОВНА

**МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ
ЖАРАЁНИДА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ
КОМПЕТЕНТЛИЛИГИНИ УЗЛУКСИЗ
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Yu26 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Докторлик диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.ndpi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Джураев Рисбой Ҳайдарович
педагогика фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар:

Адизов Бахтиёр Рахмонович
педагогика фанлари доктори, профессор

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Эгамбердиева Нодира Мелибоевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Нукус давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 20__ йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси, рақамсиз уй.) Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75; e-mail: nkspi_info@edu.uz

Диссертация билан Нукус давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси, рақамсиз уй. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75.

Диссертация автореферати 20__ йил «__» _____ куни тарқатилди.
(20__ йил «__» _____ да _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.Базарбаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фалс.ф.д., академик

З.К.Курбаниязова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Т.Т.Утебаев

Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, п.ф.д., доцент

КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда педагог кадрларнинг узлуксиз малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, таълим соҳасига киритилаётган янгиликлар билан боғлиқликда педагоглар касбий компетентлигини ривожлантириш устувор аҳамият касб этади. Айниқса, мустақил ва муқобил малака ошириш шакллари интеграциялаш, шахсга йўналтирилган касбий таълимни ривожлантириш, андрагогик таълим технологияларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Малака ошириш тизимини модернизациялаш асосида педагог кадрларнинг мустақил ўзини ўзи шахсий ва касбий ривожлантириш мотивларини рағбатлантириш, касбий ва педагогик маҳоратни доимий равишда ривожлантиришга кўмаклашиш учун зарур бўлган касбий билимлар, кўникмалар ва маҳоратларнинг мунтазам равишда янгиланиб борилиши долзарб аҳамият касб этади.

Дунёда педагог кадрларнинг эҳтиёжга асосланган малака ошириш тизимини такомиллаштириш, малака оширишнинг тўғридан-тўғри ва касбий фаолиятга алоқадор билвосита шакллари амалиётга тўлиқ жорий этилишини таъминлаш ва мониторингини амалга оширишга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, педагог кадрларда бутун жаҳон Интернет ахборот тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда илғор педагогика, ахборот-коммуникация ва инновацион технологияларни эгаллаш, уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиш кўникмаларини ривожлантириш компетентлигини қарор топтиришга йўналтирилган малака ошириш механизмларини такомиллаштириш муҳим долзарблик касб этади.

Республикамизда педагог кадрларнинг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш механизмларини жорий этиш, замонавий талабларга мувофиқ малака оширишнинг бевосита ҳамда касбий фаолиятга алоқадор билвосита шакллари вариатив ва узвийлик тамойиллари асосида амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, педагоглар касбий компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган малака ошириш жараёнларининг модернизациялашган дидактик таъминотини ишлаб чиқиш, педагогик фаолиятга аксиологик муносабатни қарор топтириш орқали касбий компетенциялар тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш»¹ устувор вазифа сифатида белгиланди. Бу эса, малака ошириш тизимини модернизациялаш жараёнида ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришга таъсир этувчи параметр ва индикаторларни аниқлаш, мустақил малака ошириш жараёнларини ташкил этишнинг ташкилий-функционал модели ва технологиясини такомиллаштиришни тақозо этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5538-сонли, 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси» бўйича ПФ-5712-сонли фармонлари, 2017 йил 26 сентябрдаги «Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3289-сонли Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 797-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Малака ошириш тизимини модернизациялаш жараёнида ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Массачусетс ихтисослашган маркази (АҚШ), Манчестер ихтисослашган маркази (Буюк Британия), Миллий таълим тизими кадрларини қайта тайёрлаш бўйича Академик миссиялар (Франция), Маҳаллий мактаб бошқармалари (Германия), Нагоя университети ҳузуридаги Ихтисослашган малака ошириш маркази (Япония), Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳудудий марказлари (Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда.

Малака ошириш тизимини модернизациялаш жараёнида ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан, малака оширишнинг супервайзерлик тизими ишлаб чиқилган (Массачусетс ихтисослашган маркази); педагогларнинг узлуксиз касбий компетентлигини ривожлантиришнинг махсус модулли-тренинг дастурлари ишлаб чиқилган (Манчестер ихтисослашган маркази); педагогик фикрлашни рағбатлантирувчи ва ижодий

² Мазкур қисми ёзишда қуйидаги манбаларга асосланилди: Heise M. Professionelles Lernenjenseits von Fortbildungnahmen /Heise // Zeitschrift für Erziehungswissenschaften. – 2007. – № 10 (4). – S.513-53.; McKee, C.W., Johnson, M., Ritchie, W. F., & Tew, W. M. Professional Development of the Faculty: Past and Present. New Directions for Teaching and Learning, Los-Angeles, 2013 – pp. 15-20.; Sturm, J. Das Lehrer fort bildungs project Grieskirchen: Ein Modell versuch im landlichen Raum / J. Sturm // Erziehung und Unterricht – 1991. – Heft 131. – S.21-34.; The European Commission on New modes of learning and teaching in higher education. October, 2014. Luxembourg: Publications Office of the European Union. – 2014. – 68 p.; Vincent Greney, Thomas Kellaghan. Assessing National Achievement Levels in Education. The World Bank. 2008. Washington. – pp.57-63.

фаолликни ривожлантирувчи шахсга йўналтирилган технологиялар тизими ишлаб чиқилган (Миллий таълим тизими кадрларини қайта тайёрлаш бўйича Академик миссиялар); қисқа ва узоқ муддатли малака ошириш курсларини ташкил этиш механизми такомиллаштирилган (Маҳаллий мактаб бошқармалари); кечки ва сиртқи малака ошириш курсларини ташкил этиш технологияси ишлаб чиқилган (Нагоя университети ҳузуридаги Ихтисослашган малака ошириш маркази); эҳтиёжларга асосланган малака ошириш курсларини ташкил этиш механизми такомиллаштирилган (Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳудудий марказлари).

Жаҳонда малака ошириш тизимини модернизациялаш жараёнида ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: модулли таълим технологиялари асосида малака ошириш курсларида педагогларнинг касбий мобиллигини таъминлаш механизминини такомиллаштириш; педагоглар касбий компетентлигини ривожлантиришнинг рефлексив технологияларини ишлаб чиқиш; андрагогик ёндашув асосида касбий ижтимоийлашув механизмларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўқитувчининг касбий-маънавий тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, ўқитувчининг касбий маҳоратини ривожлантириш ва шакллантириш муаммолари Х.Абдукаримов, Н.Азизхўжаева, А.Алиев, М.Очилов, Н.Саидахмедов, Ў.Толипов; халқ таълими ходимларининг малакасини оширишда таълим сифати менежментини такомиллаштириш Х.Абдукаримов, Р.Х.Джураев О.Мусурмонова, Б.Маъмуров, М.Н.Нишанов, Б.С.Нуриддинов, Р.Г.Сафарова, С.Т.Турғунов, Ж.Ғ.Йўлдошев, Ш.Э. Қурбоновлар томонидан тадқиқ этилган³.

Умумий ўрта таълим тизимини сифатли бошқаришнинг ижтимоий-педагогик асослари Р.Ахлидинов, Р.Х.Джураев, А.В.Глухов, Қ.Мусаев, С.Т.Турғунов, Г.С.Трофимова, Ф.Хедоури, М.Юлдошевлар томонидан тадқиқ этилган⁴.

³ Абдукаримов Х. Профессиональное воспитание личности учителя в процессе непрерывного образования. Автореф. докт. дисс. – Ташкент, 1998. – 48 с.; Джураев Р.Х. Теория и практика интенсификации профессиональной подготовки учащихся. – Ташкент: 1992. – 159 с.; Мусурмонова О. Ўқитувчининг ижодкорлиги – давр талаби. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 110 б.; Маъмуров Б. Ўқувчи шахсига йўналтирилган ўқув-билув жараёнини ташкил этишнинг педагогик шарт-шароитлари. п.ф.н. дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 26 б. Нишанов М.Н. Повышение квалификации педагогических кадров и задачи институтов усовершенствования учителей. – Ташкент, 1980. – 39 с.; Нуриддинов Б.С. Касб таълими ўқитувчилари малакасини оширишда фаол ўқитиш методларидан фойдаланиш. Номзод. дисс. автореф. – Тошкент, 2002. – 16 б.; Сафарова Р.Г. Истикболдаги таълим мазмунини модернизациялашнинг дидактик асослари. – Тошкент: Фан, 2009. – 240 б.; Турғунов С.Т. Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда таълим муассасаси раҳбарларининг функционал вазифалари. – Тошкент: Сано-стандарт, 2011. – 146 б.; Йўлдошев Ж.Ғ. Малака оширишнинг назарий ва методологик асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1998. – 208 б.; Курбонов Ш.Э. Миллий истиқлол гоёсини шакллантиришда ташкилий-услубий ёндашувлар. – Тошкент: Академия, 2002. – 280 б.

⁴ Ахлидинов Р.Ш. Социально-педагогические основы управления качеством общего среднего образования. Автореф. дисс. д.п.н. – Ташкент, 2002. – 44с.; Джураев Р.Х. Непрерывное образование профессиональное развитие педагога. //Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2014. – № 1. – Б. 3–10; Глухов А.В. Менежмент ва бизнес асослари. Русчадан тарж. – Тошкент: Мехнат, 1997. – 134 б.; Мусаев У.Қ. Умумий ўрта таълим жараёнини либераллаштиришнинг ташкилий педагогик шарт-шароитлари. п.ф.н. дисс. – Тошкент, 2004. – 130 б.; Турғунов С.Т. Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда таълим муассасаси раҳбарларининг функционал вазифалари. – Тошкент: Сано-стандарт, 2011. – 146 б.; Трофимова Г.С. Дидактические основы формирования коммуникативной компетентности обучаемых. Автореф. дисс. д.п.н. – СПб., 2000. – 33 с.; Хедоури Ф. Основы менеджмента. – Москва, 1997. – 704 с.

Ўқитувчилар малакасини ошириш, уларга таълим жараёнидаги янгиликларни етказиш муаммолари А.Х.Аминов, М.Т.Жуманиёзова Ш.Қ.Мардонов, Ж.Ш.Пўлатов, Т.М.Умматқулов, М.Юлдошев, каби олимларнинг ишларида баён этилган; таълим тарбиянинг маънавий-маърифий, фалсафий жиҳатлари ҳамда таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва ривожлантириш тарихи масалалари У.Алеуов, Ж.Базарбаев, Т.Жиемуратов, Т.Утебаев каби олимлар томонидан ўрганилган⁵.

Шунингдек, МДХ олимларидан О.А.Абдулина, А.Я.Данилюк, С.Б.Елканов, Ю.А.Конаржевский, Ю.Н.Кулюткина, Н.Е.Кузьмина, В.С.Кузнецова, Л.М.Митина, А.А.Вербитицкий, И.А.Зязюналарнинг ишларида ўқитувчилар тайёрлаш ва улар фаолиятини такомиллаштиришнинг назарий-амалий асослари ўз ифодасини топган⁶.

Хорижий давлатларда ўқитувчилар касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришнинг назарий масалалари Д.Диин, Р.Бернс, В.Б.Гаргай, Д.Киммел, М.Ноулз, Т.Стоунс, Б.Саймон, Е.С.Заир-Бекларнинг тадқиқотларида ёритиб берилган⁷.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мос равишда ХТ-ИД-1-002-33147 «Ўқитувчиларнинг касбий маҳорати ва компетентлигини ривожлантириш механизми», И1-ХТ-0-11142 «Ўқитувчилар малакасини оширишнинг инновацион-қадриятли йўналишларини жорий этиш» мавзулари доирасида бажарилган.

⁵ Аминов А.Х. Халқ таълими ходимлари малака ошириш тизимини такомиллаштиришнинг ташкилий-педагогик асослари. – Самарқанд, 2001.; Алеуов У. Қарақалпақстанда таълим-тарбиялық ойлардын калипlesiуи хам раўажланьуи (Қарақалпақ халқынн педагогикасы тарийхы). – Нукус: Билим, 1993. – 504 б.; Базарбаев Ж. Адеп философиясы. – Нукус: «Қарақалпақстан» нашриети, 2010. – 208 б.; Жуманиёзова М.Т. Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион жараёнга тайёрлашнинг педагогик асослари. – Тошкент, 2007. – 124 б.; Жиемуратов Т. Қорақалпоғистонда мактабдан ташқари таълим муассасаларининг шаклланиши ва ривожланиши. п.ф.н. дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 21 б.; Мардонов Ш.Қ. Янги таълимий қадриятлар асосида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш. – Тошкент: Фан, 2006. – 226 б.; Пўлатов Ш. Таълим менежменти, ёхуд таълим муассасасини илмий-методик бошқариш технологияси. – Тошкент: Адабиёт учқуни, 2017. – 594 б.; Умматқулов Т.М. Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни ўқувчилар саломатлигини муҳофаза қилишга тайёрлашнинг педагогик асослари. п.ф.н. дисс. автореф. – Тошкент, 2003. – 19 б.; Утебаев Т. Қорақалпоғистонда ХХ аср иккинчи ярми – ХХІ аср бошида таълим-тарбиявий фикрларнинг ривожланиши. п.ф.н. док. дисс. – Тошкент, 2016. – 258 б.; Юлдошев М. Халқ таълими ходимларининг малакасини оширишда таълим сифати менежментини такомиллаштириш. п.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – 93 б.

⁶ Абдулина О.А. Общепедагогическая подготовка учителя в системе высшего педагогического образования. – Москва: Просвещение, 1990. – 141 с.; Данилюк А.Я, Есипов Н. Размышления по поводу педагогического мастерства. – Москва: Прогресс, 1998. – 167 с.; Конаржевский Ю.А. Внутришкольный менеджмент. – Москва, 1992. – 164 с.; Кулюткина Ю.Н. Индивидуальные различия в мыслительной деятельности взрослых учащихся. – Москва: Педагогика, 1971.; Кузьмина Н.В. Психологическая структура деятельности учителя. – Гомель, 1976. – 57 с.; Кузнецова В.С. Новые подходы в организации педагогической деятельности учителя начальных классов // Начальная школа. 2007. – №2. – 11 с.; Митина Л.М. Учитель как личность и профессионал (психологические проблемы) – Москва: Дело, 1994. – 215 с.; Вербитицкий, А.А. Формирование познавательной и профессиональной мотивации. – Москва: Педагогика, 1986. – 124 б.; Зязюна И.А. Основы педагогического мастерства. – Москва: Педагогика, 1991. – 251 с.;

⁷ Гаргай В.Б. Развитие системы повышения квалификации учителей в Великобритании (XIX – XX вв.). Дисс. д.п.н. – Москва, 2005.; Заир-Бек Е.С. Анализ европейских моделей повышения квалификации учителей как источник развития непрерывного педагогического образования в педагогическом университете // Вестник Герценовского университета. 2011. – № 9. – С. 36-45.

Тадқиқотнинг мақсади малака ошириш тизимини модернизациялаш жараёнида ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш механизминини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

малака ошириш тизимини модернизациялаш жараёнида ўқитувчилар касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришнинг дидактик параметрларини аниқлаш;

ўқитувчилар касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш механизмининг компонентлари ва амалга ошириш босқичларини аниқлаштириш;

ўқитувчилар касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш технологияси ҳамда дидактик таъминотини такомиллаштириш;

ўқитувчилар касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришнинг диагностик тизимини такомиллаштириш;

малака ошириш тизимини модернизациялаш жараёнида ўқитувчилар касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш механизминини таълим жараёнига татбиқ этиш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида малака ошириш тизимида ўқитувчилар касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш жараёни танланиб, тажриба-синов ишларида 598 та респондент-ўқитувчи иштирок этган.

Тадқиқотнинг предмети – ўқитувчилар касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш жараёнининг мазмуни, технологияси ва диагностик тизими ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида савол-жавоб, кузатиш, суҳбат, анкета, тест, педагогик ташхис, психологик-педагогик ходисаларнинг тизимли таҳлили, мониторинг, математик-статистик таҳлил усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

касбий компетентлиликни узлуксиз ривожлантириш механизмининг дидактик параметрлари (феноменологик, аналитик-синтетик, прогностик, аксиоматик) махсус компетенцияларни ривожлантириш жараёнинини замонавий талаблар билан уйғунлаштириш, мунтазам равишда ривожлантириб бориш имкониятини берувчи малака оширишнинг муқобил шакллари (хорижий мамлакатларда малака ошириш, стажировка ўташ) тизимли жорий этиш механизмига устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган;

ўқитувчилар касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш механизмининг компонентлари (мотивацион, когнитив, процессуал, креатив) ва амалга ошириш босқичлари (мустақил малака ошириш, ўқув курслари, маҳорат дарслари) технологик тараққиёт ҳамда ўқитилаётган фанлар бўйича янгиликларни ўзлаштириш динамикасини ҳисобга олиш асосида аниқлаштирилган;

ўқитувчилар касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш технологияси онлайн маъруза, интерфаол семинарлар, виртуал амалий ва кўчма машғулотлар, тажриба алмашиш, масофадан ўқитиш усулларини

вариатив ва интегратив қўллашнинг интенсив даражасини ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган;

ўқитувчилар касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш жараёнларини баҳолаш мезонлари малака ошириш тизими бўйича электрон мониторинг кўрсаткичлари (онлайн тест, мини дарслар, электрон ўзлаштириш даражаси), педагогнинг шахсий-мотивацион йўналганлигига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

ўқитувчилар касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш тамойили асосида педагог кадрлар касбий эҳтиёжини қаноатлантиришга йўналтирилган малака ошириш шакллари жорий этиш, таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш орқали уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган малакавий талабларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

малака ошириш тизимини модернизациялаш жараёнида ўқитувчилар касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараён мазмуни, уни ташкил этиш принциплари ва йўналишлари такомиллаштирилган;

ўқитувчилар касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш моделлари (мустақил таълим, маҳорат дарслари, таянч мактаблар) ишлаб чиқилган ва «Модернизациялашган таълим шароитида ўқитувчилар касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш йўллари» номли монография ёрдамида амалиётга жорий этилган;

ўқитувчилар касбий компетентлигига оид замонавий ёндашувлар ва хорижий тажрибалар асосида «1–4-синф «Ўқиш» фанидан ўқитувчилар учун мультимедиа иловали методик қўлланма»лар ҳамда улардан фойдаланиш бўйича илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган;

малака ошириш тизимини модернизациялаш жараёнида ўқитувчилар касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш механизмининг дидактик таъминоти moa.uzedu.uz ҳамда masofa.uzedu.uz ахборот тизимлари орқали амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий анжуманлар материаллари тўплами, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монографиялар ва улар ҳақидаги тақризлар, респондентлар билан ўтказилган савол-жавоб, интервьюлар, хулоса, таклифларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг математик-статистик методларни самарали қўллашга имкон берувчи «Statistika 6» стандарт дастури асосида қайта ишланганлиги ва ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан аниқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти малака ошириш тизими модернизация шароитида ўқитувчилар касбий компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган назарий-методологик ёндашувлар, қарашлар, тамойиллар, илмий-методик тавсиялар билан бойитилган, шунингдек, модернизациялашган таълим шароитида ўқитувчилар касбий компетентлигини

ривожлантириш мазмуни, шакллари, воситалари, усул ва методларига эга бўлинган, ушбу методлар асосида ўқитувчилар касбий компетентлиги оширилган, касб маҳорати ривожлантирилган, педагогик-психологик, методик тайёргарлиги такомиллаштирилган билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти малака ошириш тизимини модернизациялаш, бу жараёнда ўқитувчининг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириш, унинг мазмунини такомиллаштириш шакллари ва методларини бойитиш, ўқитувчининг касбий маҳоратини узлуксиз ошириш механизмларини жорий этиш натижасида ўқитувчининг касбий компетентлиги узлуксиз ривожланиши таъминланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Малака ошириш тизимини модернизациялаш жараёнида ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш механизми бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришнинг назарий-эмпирик асослари, махсус компетенцияларни ривожлантириш жараёнини замонавий талаблар билан уйғунлаштириш имкониятини берувчи малака оширишнинг муқобил шакллари аниқлаштиришга доир таклифлардан И1-ХТ-0-11142 рақамли «Ўқитувчилар малакасини оширишнинг инновацион-қадриятли йўналишларини жорий этиш» инновацион лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 6 ноябрдаги 01-02/1-7-467-сон маълумотномаси). Натижада умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиларининг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришнинг аксиологик йўналишларини андрагогик таълим жараёнига татбиқ этиш самарадорлигини оширишга эришилган;

ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараён мазмуни ва ташкилий принципларини аниқлаштириш, ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш технологиясини такомиллаштиришга доир амалий тавсиялардан ХД-ИД-1 рақамли «Ўқитувчиларнинг касбий маҳорат ва компетентлигини ривожлантириш» инновацион лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 6 ноябрдаги 01-02/1-7-467-сон маълумотномаси). Натижада, ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришнинг мақбул педагогик шарт-шароитларини лойиҳалаш, инновацион таълим технологияларини қўллаш самарадорлигини оширишга эришилган;

ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш жараёнларини баҳолаш мезонлари малака ошириш тизими бўйича электрон мониторинг кўрсаткичларини (онлайн тест, мини дарслар, электрон ўзлаштириш даражаси) аниқлаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялар асосида халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳудудий марказлари ўқув жараёнини автоматлаштиришнинг ахборот тизими ишлаб чиқилган ва Халқ таълими вазирлигининг moa.uzedu.uz электрон манзилига жойлаштирилган (Халқ таълими соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш марказининг 2019 йил 22 июлдаги

02/6-251/2-сон маълумотномаси). Натижада, ўқитувчиларнинг касбий фаолиятини узлуксиз ривожлантирувчи эҳтиёжга асосланган малака ошириш жараёнларини ташкил этиш самарадорлигини оширишга эришилган;

ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш тамойили асосида педагог кадрларнинг касбий эҳтиёжларини қаноатлантиришга йўналтирилган малака оширишнинг масофавий шакллари жорий этиш, таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш орқали уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган малакавий талабларни такомиллаштиришга оид масофадан ўқитиш тизими ишлаб чиқилган ва Халқ таълими вазирлигининг masofa.uzedu.uz электрон манзилида жойлаштирилган (Халқ таълими соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш марказининг 2019 йил 22 июлдаги 02/6-251/2-сон маълумотномаси). Натижада, ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришнинг масофавий таълим технологияларини малака ошириш жараёнига тизимли татбиқ этиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 42 та республика, 10 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 52 та илмий иш, жумладан, 1 та монография чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, 8 та параграф, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, унинг асосий матни 258 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Малака ошириш тизимини модернизациялаш жараёнида ўқитувчилар касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида малака ошириш тизимини модернизациялаш жараёнида ўқитувчилар касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш ижтимоий-педагогик зарурият

эканлиги, модернизациялаштирилган узлуксиз малака ошириш тизимида ўқитувчиларнинг педагогик инновацияларни ўзлаштириш жараёнларининг педагогик-психологик асослари ҳақида фикр юритилган.

Кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда шахсга йўналтирилган ўқув жараёнини самарали ташкил этиш ва бошқаришда бир қатор камчиликлар мавжуд, жумладан:

ўқув жараёнида инновацион технологиялардан мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланилмаётганлиги;

модернизациялаштирилган таълим шароитида ишлаш учун ўқитувчиларнинг касбий, илмий-методик тайёргарлиги таълим мазмуни ва унинг методик таъминотидан орқада қолаётганлиги;

аксарият фан ўқитувчиларида касбий-ижодий, ижтимоий фаоллик, ғоявий-сиёсий етукликнинг етарли даражада шаклланмаганлиги, улар фаолиятида технократик ёндашувнинг устунлиги;

умумий ўрта таълим тизимида дарс берадиган ўқитувчиларнинг илмий-назарий, касбий ҳамда методик жиҳатдан тайёргарлигини узлуксиз ривожлантириш механизмларининг етарлича шаклланмаганлиги;

умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қиладиган билим, кўникма ва малакаларни мунтазам янгилаш тизимининг мазмуни ишлаб чиқилмаганлиги кабилар аниқланди.

Модернизациялаштирилган таълим шароитида ўқув-тарбия жараёнини педагогик инновациялар асосида бошқариш ўқувчиларнинг мустақиллиги ва фаоллигини педагогик қўллаб-қувватлаш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш, ўқув жараёнининг барча жабҳаларида уларнинг ишчанлигини таъминлаш имконини беради.

Таълим ривожланишининг умумий қонуниятлари модернизациялашган таълим шароитида ўқитувчилар касбий компетентлигини ривожлантириш узлуксиз тизимининг қуйидаги қонуниятларини аниқлашга кўмаклашади:


1) таълим ўзида мунтазам ва номунтазам ривожланиш механизмларини уйғунлаштиради, унинг барқарорлиги ва етакчилиги худди шу асосга таянади, таълимни бошқара олишнинг асосий шарти таълим тизими ва таълим жараёни даражасида намоён бўлади; 2) инновациялар таълим жараёни динамикасини аниқлайди; 3) таълим жараёни ривожланишидаги мунтазамлилик ижтимоий-маданий воқеликда ўз мавжудлигини сақлаш имконини беради; 4) таълим жараёнини бошқаришда унинг мунтазам ва номунтазам ривожланишини ҳисобга олиш лозим. Мунтазамлиликни муҳим ривожланиш доираси сифатида ўрганар эканмиз, номунтазамлик эса, таълим тизимининг яқин ривожланиш доираси механизмлари, технологиялари сифатида намоён бўлади.

Модернизациялашган таълим шароитида ўқитувчилар касбий компетентлигини ривожлантиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим: назарий билиш методларини жалб қилиш, жараёнларни имитацион ўйинлар асосида моделлаштириш, амалий тажрибалар ва методикаларни изчил ўзлаштириш, масалан, сценарийлар тузиш. Уларнинг қўлланилиши

танлов стратегиясини тақозо қилади. Диалог жараёнида мақсадга эришиш учун қадриятлар ва ресурсларни ўзлаштириш лозим.

Ўзлаштириш жараёни инсоннинг эҳтиёжига айланиб, билимлар ва тажрибалар унинг ўзи томонидан қайта ишланади, бойитилади ва ёш авлодга етказилади. Ижтимоий-тарихий қадриятлар ва тажрибаларни ўзлаштириш шахс хатти-ҳаракатларида янги усулларни вужудга келтиради. Шу асосда фаолиятнинг янги шакллари ҳосил бўлади. Билимлар ва инновацияларни ўзлаштириш асосида ўқитувчилар фаолиятида янги педагогик лаёқатлар ва вазифалар ҳосил бўлади. Билимлар ва инновацияларни ўз тажрибасига сингдириш ўқитувчиларнинг ўзлаштириш жараёни маҳсули ҳисобланади.

Ўқитувчиларнинг янги педагогик билимлар ва инновацияларни ўзлаштириш жараёни ўзининг муайян мазмунига эга (1-расм). Бу мазмун тўлақонли, касбий аҳамиятли, аниқ далилларга асосланган, нисбатан қисмларни ўз ичига олган ва тўлиқ бўлмаган фаолиятдир.



1-расм. Янги педагогик билимлар ва инновацияларни ўзлаштириш жараёнлари

Янги касбий билимлар ва инновацион технологияларни ўзлаштириш жараёни иккига бўлиш мумкин: а) назарий билимларни ўзлаштириш жараёни; б) амалий тажрибалар ва технологияларни ўзлаштириш жараёни. Назарий билимларни ўзлаштириш жараёни ўқитувчиларнинг фикрлаш, англаш, чуқур ўйлаш, баҳолаш, умумлаштириш, асослаш, муҳокама қилиш жараёнлари билан боғлиқ. Инновацияларни амалий ўзлаштириш эса уларни эгаллаш ҳаракатларини ўз ичига олади.

Бизни кўпроқ ҳар бир ўқитувчи педагогик инновацияларни ўзлаштириши учун қандай шарт-шароитлар яратилса, самарадорликка эришиш мумкин, деган саволга жавоб топиш қизиқтиради. Худди мана шу ёндашувдан келиб чиққан ҳолда бу ўқитувчиларнинг педагогик инновацияларни ўзлаштириш моделини ишлаб чиқиш учун ниҳоятда зарурдир. Шу асосда биз ўқитувчиларнинг педагогик инновацияларни ўзлаштириш даражаларини куйидагича: бирлашган-эмпирик даража; назарий-концептуал даража; амалий-моделлаштирувчи даража; ижодий-таҳлилий даража кабилар билан белгилашни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Ҳар бир даража ўзининг мазмуни, тизимли тарзда уйғунлашган таркибига эга. Шу билан бир қаторда, бу даражалар функционал элементлар билан бойиб, ривожланиб бориш имкониятига ҳам эга. Педагогик инновацияларни даражали ўзлаштириш жараёни ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириб боришни талаб қилади.

Диссертациянинг «**Малака ошириш тизимини модернизациялаш жараёнида ўқитувчилар касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш тизимининг дидактик хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида эса малака ошириш тизимини модернизациялаш жараёнида ўқитувчилар касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришга оид замонавий ёндашувлар, ўқитувчиларнинг педагогик инновацияларни ўзлаштиришларига кўмаклашадиган дидактик шарт-шароитлар таҳлил қилинган.

Ўқитувчилар малакасини узлуксиз оширишда уларнинг инновацион фаолиятига яхлит педагогик ҳодиса сифатида методологик нуқтаи назардан ёндашиш талаб этилади. Шундагина мазкур фаолият қуйидаги сифат кўрсаткичларига эга бўлади:

1. Кафолатланган натижа олиш имкониятининг мавжудлиги: бунда ўқитувчи педагогик ҳамкорлик ва эркин мулоқот методидан фойдаланган ҳолда ўқувчилар орасида соғлом ижодий муҳитни вужудга келтириш ҳамда педагогик жараённи самарали бошқариш орқали инновацион фаолият тажрибасини қўллаш усуллари эгаллайди.

2. Инновацион педагогик фаолиятнинг барқарорлиги: бунда ўқитувчи инновацион фаолиятининг мунтазамлиги ва ривожланувчи характерга эгаллиги таъминланади. Таълим жараёнини модернизациялаш имкониятлари кенгайиши ва чуқурлашиши жараёнида ўқитувчи ҳам ўз фаолиятини узлуксиз янгилаш ва барқарорлаштиришга интилади.

3. Инновацион фаолиятни эгаллашнинг қулайлиги: бунда ўқитувчи узлуксиз малака ошириш асосида бир-бирига ўзаро мувофиқ келадиган усуллар, методлар, технологиялар, турли илмий манбалар, педагогик жамоанинг бошқа аъзолари, ҳудуддаги илғор ўқитувчилардан ўзлаштиради ва ўз фаолиятида қўллайди.

4. Ўқитувчи фаолиятининг яхлитлиги: бунда ўқувчи шахсини ҳар томонлама ривожлантиришга оид назарий ёндашувлар ва амалий тажрибалар педагогик жараёнда таълим-тарбия уйғунлигини таъминлашга оид тажрибаларни ўзлаштириш асосида вужудга келади.

5. Ўқитувчи педагогик имкониятларининг кенглиги: бунда ўқитувчи узлуксиз малака ошириш тизимида ўзининг педагогик билимлари ва маҳоратини ошириши натижасида бир неча инновацион усуллардан фойдаланган ҳолда ўқувчиларга ижобий таъсир кўрсатиш кўникмалари ва маҳоратини ўзлаштиради.

6. Ўқитувчи назарий-амалий билимлари уйғунлигининг таъминланганлиги: мазкур йўналишдаги инновацион фаолият доирасида модернизациялашган таълим жараёни олдида турган асосий муаммоларни шахсга йўналтирилган таълим жараёнини моҳирлик билан ташкил этиш, бунда

ноанъанавий услублардан фойдаланиш механизмларини ўзлаштириш назарда тутилади.

7. Ўқитувчи инновацион фаолиятининг истиқболлилиги ва ўқувчиларни ривожлантириш имкониятига эгаллиги: бундай фаолият жараёнида ўқитувчи Ўзбекистон жамиятининг ижтимоий-иқтисодий, илмий ривожланиш маромини ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнида ижтимоий буюртма моҳиятини чуқур идрок этиш асосида ўқув-тарбия жараёнини ташкиллаштиришга оид замонавий билимлар билан қуролланиши керак.

8. Ўқитувчи инновацион педагогик фаолиятининг изчиллиги ва узвийлиги: бундай фаолиятни ўзлаштириш учун ўқитувчи янги педагогик характердаги билимларни изчил тарзда ўзлаштириб бориши ва улар орасидаги мантикий уйғунликни англаши талаб этилади.

9. Ўқитувчи инновацион фаолиятининг илмийлиги алоҳида аҳамиятга эга бўлган ҳолат ҳисобланади. Чунки илмий жиҳатдан асосланмаган усулларни инновацион усуллар сифатида таълим жараёнида қўллаш мумкин эмас. Ўқитувчи ўз малакасини узлуксиз ошириши жараёнида турли илмий манбалар ёрдамида муайян инновацион усулларга хос бўлган қарашлар ва ёндашувларнинг исботланганлиги, педагогик назарияларнинг ҳаққонийлиги ва улардан таълим амалиётида фойдаланиш имконини берадиган тавсияларнинг мавжудлиги билан яқиндан танишиши лозим.

10. Педагогик инновацияларнинг мақсадга мувофиқ тарзда қўлланилиши: бунда ўқитувчи томонидан қўлланиладиган инновацион усуллар объектив илмий-амалий аҳамият касб этиши муҳим аҳамиятга эга. Мазкур усуллар синфдаги ўқувчиларнинг мавжуд имкониятларини ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнига олиб кирилишига оид педагогик-психологик ёндашувлар билан ўқитувчиларни қуроллантириш узлуксиз малака ошириш тизимининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Узлуксиз малака ошириш тизимини жорий педагогик ташхислаш муҳим ўрин эгаллайди ва қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

ўқитувчилар малакасини ошириш тизими ҳар бир бўғин имкониятларини аниқлайди;

ҳар бир бўғин фаолиятидаги ижобий ва салбий жиҳатларни ўрганади;

ўқитувчилар касбий фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган методикаларни ишлаб чиқишга ёрдам беради;

ҳар бир бўғиннинг таъсир доирасини аниқлаб, улар ўртасида иккиёклама алоқа шаклини белгилайди;

ўқитувчи фаолиятининг таъсирчан мезонлари аниқланади ва ишлаб чиқилади;

ўқувчилар таълим-тарбиясини такомиллаштиришда ўқитувчи шахсий масъулиятини оширади;

ўқитувчи касб малакаси даражаси учун зарур билим, кўникма ва малакани қайд қилиб боради;

педагогларнинг психофизиологик хусусиятлари билан уларнинг мотивацияси ва малакаси ўртасидаги боғлиқликни аниқлайди;

малака ошириш тизими учун таълимнинг оптимал мазмуни ва мақсади, шакл, метод ва воситаларини аниқлашда ёрдам беради.

Педагог фаолиятини ташхис қилиш узлуксиз бўлиши, яъни таълим муассасаси, фан метод бирлашмаси, маҳаллий методик хизмат бўғинлари ва малака ошириш худудий марказларидан иборат тизим билан бирга амалга оширилиши лозим. Бу тизим малака ошириш мазмуни, шакллари ва методлари билан унинг охириги натижаси ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаб, ўқитувчи касбий компетентлигининг ривожланишига, таълим-тарбиянинг такомиллашувига олиб келади.

Ўқитувчиларнинг педагогик инновацияларни ўзлаштиришига йўналтирилган жараёнларда муайян шароит яратиш учун лойиҳалаш усулидан фойдаланиш талаб этилади. Бунда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

а) ўқитувчиларнинг ўқув курси доирасида аниқ педагогик лойиҳалаш фаолиятларини амалга оширишлари учун шароит яратиш;

б) ўқитувчилар ўзларининг дастлабки лойиҳалаш кўникмаларини қайд этишлари, лойиҳалаш якунида эса ўзгаришларга сабаб бўлган ҳолатларни таҳлил этишларини ташкиллаштириш талаб қилинади.

Ўқитувчилар малакасини ошириш жараёнида бундай шароитни яратиш учун:

1) лойиҳалаш фаолиятидан келиб чиққан ҳолда таълимий вазиятлар тизимини вужудга келтириш;

2) методологик нуқтаи назарга таянган ҳолда тингловчиларнинг лойиҳалаш фаолиятини танқидий таҳлил қилиш ва муаммоли топшириқлар билан бойитиш;

3) шу асосда ўз малакаларини ошираётган ўқитувчиларнинг назарий-таҳлилий фаолиятига йўл очиш кабиларни амалга ошириш керак.


Ўқитувчиларнинг педагогик инновацияларни ўзлаштириши жараёнида қуйидаги: шахсга йўналтирилган ўқув вазиятларининг ўқитувчи фаолиятини қўллаб-қувватлашга йўналтирилиши учун қулай, ўқитувчиларни ривожлантириш ва ўз-ўзларини мустақил ривожлантиришга йўналтирилган, ўқитувчининг шахсий қизиқишларини аниқлашга хизмат қиладиган, ўқитувчиларнинг шахсга йўналтирилган ўқув жараёнини ташкил этиш кўникмаларини яхлит ривожлантиришга йўналтирилган, шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этиш ва амалга оширишга йўналтирилган инновацион педагогик технологияларнинг ўқитувчилар томонидан ўзлаштирилиши ва фойдаланиш кўникмаларини таъминловчи шароитларни яратиш асосида ҳам самарадорликка эришиш мумкин.

Ўқитувчилар малакасини ошириш тизимининг шахсга йўналтирилган инновацион моделини шакллантиришда тизимли ёндашув тамойилига таяниш ва элементларнинг ўзаро алоқадорлик ҳамда мувофиқликда ривожланишини таъминлаш лозим.

Ўқитувчилар малакасини оширишга йўналтирилган педагогик жараён модели динамик таркибга эга бўлиб, муайян алоқалар ёрдамида жараённинг ҳолатини очиб беришга хизмат қилади. Олдинги қисм кейинги қисмнинг ҳолатини аниқлаш имкониятига эга. Жараён таркибий қисмларининг бундай изчилликда ифодаланиши ўқитувчилар касбий-шахсий фаолиятларининг миқдор ва сифат жиҳатдан ўзгаришига асос бўлади. Бир босқичдан иккинчи босқичга ўтган сари жараён мақсадлари мураккаблашади. Шу билан бир

қаторда, ўқитувчи шахсини ривожлантириш воситаларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайди.

Биз учун ўқитувчи касбий-шахсий ривожланишининг модели алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур модель ўқитувчилар малакасини ошириш асосида уларнинг касбий-шахсий ривожланишини назарда тутган ҳолда таркиб топтиради. Биз учун методологик аҳамиятга эга бўлган асосий ҳолат шундан иборатки, ўқитувчининг касбий ривожланиши уларнинг касбий тайёргарлик даражасини таъминловчи моделда намоён бўлади (2-расм).



2-расм. Ўқитувчиларнинг педагогик инновацияларни ўзлаштириш модели

Ўқитувчиларнинг шахсга йўналтирилган таълим моделини ўзлаштириш жараёнларини лойиҳалаш қуйидагиларда намоён бўлади: малака ошириш тизимининг босқичлари, даврлари яхлитлиги ва изчиллиги ҳақида тасаввурга эга бўлиш; ўқитувчиларнинг педагогик инновацияларни ўзлаштириш жараёнларининг даражали характер касб этишини англаш; шахсга йўналтирилган таълим жараёни ўқувчилар шахсий вазифаларини долзарблаштиришга қаратилган ўқув вазиятларидан иборат яхлит жараён эканлигини чуқур идрок этишга ўқитувчиларни йўналтириш кабилар.

Ўқитувчиларнинг педагогик инновацияларни самарали ўзлаштириши ва қўллашларини таъминлашда қуйидаги дидактик вазиятлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга:

педагогик инновацияларни ўзлаштириш ва қўллаш нуктаи назаридан ёндашган ҳолда ўз иш тажрибасини баҳолаш ва мустақил баҳолашга йўналтирилган вазиятлар; бундай вазиятлар сирасига асосий фикрларни излашга йўналтирилган вазиятлар, ташхислаш вазиятлари, ўз-ўзини баҳолаш вазиятлари, аҳамиятли танловлар вазияти, қўзғатиш вазиятлари кабиларни киритиш мумкин;

инновацион технологияларни ўзлаштириш вазиятлари; улар жумласига ўқитиш, идеаллаштириш, муаммолар қўйиш, муаммолар ечимига йўл топиш кабилар киритилади;

ўқув предметини ўқитиш жараёнида ўқитувчининг ўзини касбий жиҳатдан намоён қилиш вазияти; мазкур вазиятлар туркумига ўз-ўзини мустақил тарзда фикрий аҳамиятлилик жиҳатдан аниқлаш киритилади;

инновацион фаолиятни амалга ошириш жараёнида педагогик фаолиятни лойиҳалаш мақсадида ўз инновацион билимларини татбиқ этиш вазияти; улар жумласига: фаолиятни лойиҳалаштириш, эвристик жараёнларни ташкил этиш,

фаолиятга мослашиш, башорат қилиш, муаммоли таҳлил ва ўз қарашларини ҳимоя қилишга йўналтирилган педагогик вазиятларни киритиш мумкин.

Ўқитувчиларнинг педагогик инновацияларни муваффақиятли ўзлаштиришларини таъминлашнинг педагогик шарт-шароитлари:

малака ошириш жараёнининг яхлит ўқув режаси асосида ташкил этилиши таъминланиб, мазкур ўқув курси назарий-амалий билимлар, интерфаол характердаги аудитория машғулотлари, ўз иш жойида малака оширишга шароит яратилиши, шахсга йўналтирилган таълим парадигмаси доирасида ўқитувчиларнинг педагогик фаолият лойиҳасини тузишлари, ўқитувчиларнинг ўз лойиҳаларини ўқув курси давомида тажриба-синовдан ўтказишлари;

курс дастури мазмунини концептуал, мазмунли, предметли, индивидуал блокларга бўлган ҳолда янги вазиятга кўчириш кабиларда намоён бўлади.

Шахсга йўналтирилган малака ошириш жараёнининг амалга оширилиши ўқитувчиларнинг касбий ўз-ўзини аниқлашга йўналтирилган вазиятлар орқали таъминланади. Бундай вазиятлар сирасига:

а) шахсга йўналтирилган таълим нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда шахсий педагогик тажрибасини баҳолаш;

б) шахсга йўналтирилган технологияларни ўзлаштириш;

в) ўқув предметидан таълим бериш жараёнида ўзини касбий жиҳатдан намоён этиш;

г) педагогик фаолиятни мустақил лойиҳалай олиш кўникмаларини намоён қилиш, бу жараёнга шахсга йўналтирилган инновацион технологияларни татбиқ этиш кабилар киради.

Диссертациянинг «**Малака ошириш тизимини модернизациялаш жараёнида ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш механизми**» деб номланган учинчи бобида малака ошириш тизимини модернизациялаш жараёнида ўқитувчилар касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш механизмлари ва уларни танлаш параметрлари, малака ошириш тизимини модернизациялаш жараёнида ўқитувчиларнинг инновацион педагогик фаолиятларини ташхислаш турлари ва тамойиллари ҳақида фикр юритилган.

Психологик-дидактик мезонлар сирасида ўқувчи фаолиятининг ўқув жараёни билан боғлиқ жиҳатларини баҳолашда ўқитувчилар қуйидагиларга эътибор қаратишлари лозим:

1) ўқувчиларда мавжуд бўлган билим, кўникма ва малакалардан фойдаланиш жараёнининг характери;

2) билимларни самарали ва иқтисодий жиҳатдан қулай ўзлаштириш имконини берадиган ўқув ишларини бажариш усуллари билан уларни қуроллантириш;

3) ўқувчилар томонидан қўлланилган усулларнинг муҳимлиги ўқитувчилар томонидан англаниши;

4) ўқувчиларнинг шахсий ташаббусларига асосланган ҳолда билимларни ўзлаштириш эҳтиёжини аниқлаш, худди шу асосда ўз педагогик фаолиятини назорат қилиш ва унга тузатишлар киритиш, ўқувчиларнинг ўқув ҳаракатларини мустақил баҳолаш ва такомиллаштириш.

Ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларини назорат қилишда ўқитувчилар: ўқув жараёнида амал қиладиган билимларнинг алоҳида хусусиятларга эгаллиги ва кўпвариантлилигини эътиборга олишлари;

ўқувчилар билимини баҳолаш мезонлари уларнинг ўқув материаллари билан ишлаш усуллари аниқлашга хизмат қилиши, ўқитувчи ҳар бир мезонни аниқ кўрсаткичлар ёрдамида ифодалаши, бунда уларнинг ўқув жараёни амалиётида умумий тарзда қўлланишига эътибор қаратиши;

назорат натижаларига бериладиган баҳо унинг якуний шакллари мувофиқ келиши ва ҳар бир дарсда амалга ошириладиган назоратнинг кичик шакллари ўзида мужассамлаштириши, назоратнинг якуний шакллари чекланиши ва кенгайтирилмаслигини инобатга олиши;

ўзлаштириш натижаларини назорат қилиш фақатгина ўқитувчининг вазифаси бўлибгина қолмасдан, таълим жараёни субъектлари, яъни ўқитувчи ҳамда ўқувчилар орасида тенг тақсимланишига эътибор қаратиши лозим.

Биз кузатишларимиз жараёнида ўқитувчиларнинг дарсларнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини башорат қилиш имкониятларини ҳам аниқлашга муваффақ бўлдик:

таълим муассасасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, ўқув дастури асосида ўқитувчи томонидан тузилган муаллифлик дастури, муайян синф ўқувчиларининг сони, ота-оналарнинг эҳтиёжлари;

ўқув фани бўйича ДТС талаблари, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар, бошланғич даражани аниқлашга хизмат қиладиган назорат ишлари вариантлари, танлаб олинган асосий мавзулар бўйича текшириш ва назорат ишлари вариантлари;

ўрганилаётган ҳар бир мавзу бўйича дидактик лойиҳалар.


Дарсни лойиҳалаштиришда мақсадларни қўйишдан олдин ўқитувчилар бир қатор талабларга амал қилишлари, хусусан:

ўрганилаётган мавзу мазмунини чуқур таҳлил қилиш, дарс тизимига мос тарзда ўқув материалларини мақсадга мувофиқ ҳолда тақсимлаш, бу жараёнда ўқувчилар ўзлаштирган билимларини янгилари билан уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш;

муайян дарсда ўқувчилар танишиши учун тақдим этиладиган ўқув материалларини аниқ белгилаб олиш, ўқувчилар нимани мустаҳкам ўзлаштиришлари зарурлигини алоҳида белгилаб қўйиш, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари қайси ўқув материаллари асосида шакллантирилиши зарурлигини ажратиб кўрсатиш;

ўқувчиларнинг билиш лаёқатларини ривожлантиришга хизмат қиладиган ўқув материалларини алоҳида аниқлаштириш ва лойиҳалаштириш лозим.

Ўқитувчиларнинг касбий инновацион фаолиятини якуний ташхислашдан кўзланган мақсад эса: педагоглар малакасини узлуксиз оширишга йўналтирилган педагогик жараён сифати ва самарадорлигини баҳолаш, уларни ривожлантириш дастурига мунтазам тузатишлар киритиш, тингловчиларнинг педагогик инновацияларни ўзлаштириш жараёнларини ташкил этиш ва бу жараённинг мазмунини аниқлаш асосида ўқув дастурлари, маъруза матнлари ва иш режасини тузишдан иборат (3-расм).



3-расм. Ўқитувчиларнинг инновацион педагогик фаолиятларини ташхислаш турлари

Ўқитувчиларнинг касбий инновацион фаолиятини ташхислашда муайян принципларга амал қилинади: тезкорлик ва аниқликка эришиш; қўлланиладиган методикаларнинг яхлитлигини таъминлаш; ҳосил қилинган касбий билим, кўникма ва малакаларнинг мустаҳкамлигига эришиш; ўқитувчиларнинг касбий инновацион фаолиятлари қатъий мезонлар асосида баҳоланишини таъминлаш; чиқарилган ҳукм ва хулосаларнинг татбиқ этилган мезонларга мувофиқлигига риоя қилиш.

Ўқитувчиларнинг инновацион педагогик фаолияти даражасини ўрганиш бўйича белгиланган вазифаларга мувофиқ тарзда қўлланиладиган методларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1) касбий фаолиятнинг психологик хусусиятларини аниқлашга хизмат қиладиган методлар;

2) касбий педагогик фаолиятни ташхислаш методлари (миқдор кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида);

3) тадқиқотчилик методлари (бундай методлардан ўқитувчиларнинг рухий ҳолатларини аниқлаш мақсадида фойдаланилади);

4) ўқитувчилар касбий педагогик фаолиятлари ривожланишини аниқлаш мақсадида шакллантирувчи методлар.

Даражали ташхислаш, яъни шкалалаштириш ҳам ўқитувчиларнинг педагогик инновацияларни ўзлаштирганлик даражаларини аниқлаш ва объектив баҳолашда муҳим аҳамиятга эга.

Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳудудий марказларининг ўқув жараёнини халқаро талаблар даражасида автоматлаштириш натижасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув режалари, дастурлари халқаро тажрибаларни инобатга олган ҳолда такомиллаштирилди. Такومиллаштирилган ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ ўқитишнинг масофавий усулларида кенг фойдаланган ҳолда ўқув жараёни автоматлаштирилди. Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришнинг диагностика тизими


(босқичлари, метод ва воситалари), малака ошириш тизими бўйича электрон мониторинг кўрсаткичлар (онлайн тест, мини дарслар, электрон ўзлаштириш даражалари)ни аниқлаштириш натижасида ўқитувчилар касбий фаолиятини узлуксиз ривожлантириш самарадорлигини таъминлаш мақсадида moa.uzedu.uz тизими амалиётга жорий қилинди (4-расм).



4-расм. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳудудий марказлари ўқув жараёнини автоматлаштириш

Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий туб ислохотлар негизда халқаро тажрибаларни таълим амалиётига кенг жорий этиш меҳнат бозори талабларига мос мутахассисларни тайёрлашнинг асосий омилларидан биридир. Халқ таълими тизимида ўқув жараёнини халқаро талаблар асосида мунтазам модернизациялаш, ўқув жараёнини босқичма-босқич автоматлаштирилган ахборот тизимида ўтказиш, халқ таълими тизимидаги раҳбар ва педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илғор ва шаффоф ташкилий-ҳуқуқий механизмларини татбиқ этиш лозим.

Ўқитувчилар касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш механизмини, ҳудудий малака ошириш марказлари ўқув жараёнини автоматлаштириш ва масофадан ўқитиш орқали педагогик маҳоратини такомиллаштиришнинг masofa.uzedu.uz ахборот тизими яратилди (5-расм). Ушбу ахборот тизими ўқитувчилар касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришнинг масофавий таълим технологияларини малака ошириш жараёнига татбиқ этиш механизми самарадорлигини белгилаб берди.




5-расм. Халқ таълими тизими педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг масофадан ўқитиш тизими

Диссертациянинг «Малака ошириш тизимини модернизациялаш жараёнида ўқитувчилар касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш механизми самарадорлиги» деб номланган тўртинчи бобда малака ошириш тизимини модернизациялаш жараёнида ўқитувчилар касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш механизмларини тажриба-синовдан ўтказиш методикаси, малака ошириш тизимини модернизациялаш жараёнида ўқитувчилар касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг статистик таҳлили ёритиб берилган.

Тажриба-синов ишлари жараёнида тестлаштириш, малака ошириш бўйича ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқитиш, базавий таълим муассасасида ўқитиш, «Маҳорат мактаблари» бўйича таълим муассасасида ўқитиш, илмий тадқиқот муассасасида тажриба орттириш, педагог кадрларнинг хорижда тажриба алмашиши, мустақил ўрганиш, ижодий таътил, очик ўқув машғулоти, илмий ва илмий-методик семинарлар, конференциялар, август кенгашиларида қатнашиш кабилардан кенг фойдаланилди.

Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг эҳтиёжлари ривожланиб, мақсадларга айланиши куйидаги чизмада ўз ифодасини топган (6-расм).




6-расм. Ўқитувчиларнинг мустақил малака оширишга шахсий-мотивацион йўналганлигини аниқлаш компонентлари

Малака ошириш жараёнини ўтаган ўқитувчилар курсдан кейинги даврда узлуксиз малака ошириш фаолиятини амалга оширадидлар. Ўқитувчиларнинг педагогик инновацияларни ўзлаштирганлик даражалари дастлабки ва якуний ташхисларининг натижалари ҳар бир гуруҳда ўзаро мувофиқ келадиган ташхислаш воситалари асосида амалга оширилди.

Тажриба-синов гуруҳлари назорат гуруҳларидан шуниси билан фарқландики, улардан ташхислаш натижалари сифатида олинган кўрсаткичлар ҳар учала босқичда ҳам ўқитувчилар малакасини ошириш мақсадида биз томонимиздан тақдим этилган модель ва механизмларнинг самарадорлигини кўрсатди. Бу эса, ўз навбатида, ўқитувчиларда инновацион фаолият тажрибасининг ривожланиш даражасини кузатиш имконини берди. Бунинг натижасида курсда ўқитувчилар малака ошириш жараёнининг мазмуни, воситалари ва методларига муайян тузатишлар киритилди.

Биз тажриба-синов ишларининг асосий мақсадини ўқитувчи инновацион фаолиятидаги зиддиятларни бартараф этишга йўналтирдик. Ўқитувчиларнинг шаклланиши ва ютуқларига алоҳида ҳисса қўшадиган йўналишлардан бири – уларнинг педагогик инновацияларни амалий-моделлаштирувчи ва ижодий-таҳлилий даражада ўзлаштириши алоҳида қимматга эга. Педагогик инновацияларни ўзлаштириш жараёнининг назарий жиҳатдан асосланган модели ва механизмлари курсда таълим олишнинг қадриятли йўналишларига асосланган мақсадларига мувофиқ келади.

Мазкур фаолиятнинг таркибий қисмларини қуйидагича ифодалаш мумкин (7-расм):



7-расм. Ўқитувчилар касбий компетентлигини ривожлантиришнинг дидактик параметрлари

Педагогик фаолиятнинг шахсий аҳамиятини таҳлил қилиш натижасида ўқитувчиларнинг ўз тажрибаларини таҳлилий баҳолаш имкониятлари кенгайганлигига эътиборни қаратдик. Мазкур мақсадни амалга ошириш учун биз қуйидаги бир қатор дидактик вазифаларни, жумладан: ўқитувчиларнинг педагогик инновацияларнинг дастлабки элементларини ўзлаштирганлик даражаларини аниқлаш ва уларнинг бошқа барча қисмларини улар фаолиятига сингдириш; ўқитувчилар фаолиятида мустаҳкам ўрнашган анъанавий ўқитиш методларини аниқлаш, уларни бартараф этиш, ўқитувчиларнинг ўқитишдаги авторитар усуллари субъект-субъект муносабатларига таъсир кўрсатишини улар онгига етказиш, шахсга йўналтирилган таълим жараёнининг муҳим белгиси сифатида ўқитувчиларда инсонпарварликка асосланган таълим технологияларини ўзлаштиришга алоҳида қизиқиш ва иштиёқ ҳосил қилиш, шахсга йўналтирилган таълим нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда ўқитувчиларда ўз

педагогик фаолиятларини босқичма-босқич таҳлил қилиш ва баҳолаш кўникмаларини шакллантириш кабиларни белгилаб олдик.

Мазкур вазифаларни ҳал қилиш мақсадида биз ўқитувчиларнинг педагогик инновацияларни ўзлаштириш даражаларини ташхислаш тизими, унинг воситалари, методлари ва механизмларини ишлаб чиқдик ҳамда унинг самарадорлик даражасини тажриба-синов асосида аниқлашга эришдик. Ушбу натижалар қуйидаги статистик ишланмаларда ўз ифодасини топган (1-жадвал).

1-жадвал

Ўқитувчилар касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш даражасини баҳолаш кўрсаткичлари (таъкидловчи босқич)

Т/р	Кўрсаткичлар	Тажриба гуруҳлари n=300 тингловчиларда			Назорат гуруҳлари m=298 тингловчиларда		
		Юқори	Ўрта	Қуйи	Юқори	Ўрта	Қуйи
1.	Касбий компетенция тушунчаси моҳиятини англаб етиш	96 155	105 103	99 42	92 94	101 100	105 104
2.	Компетенция турларини таснифлай олиш	100 161	103 104	97 35	99 101	100 101	99 96
3.	Узлуксиз малака ошириш шаклларида хабардорлик	98 148	101 100	101 52	93 97	98 98	107 103
4.	Масофадан малака оширишга қизиқиши ва аҳамиятининг анланганлиги	95 139	99 105	106 56	93 95	101 100	104 103
5.	АКТдан фойдаланиш малакаси	88 138	98 103	114 59	86 90	101 101	111 107
6.	Меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлаш компетенцияси	95 145	100 101	105 54	91 94	98 102	109 102
7.	Интернетдан фойдаланиш малакасига эгалиги	86 138	100 98	114 64	86 92	102 98	110 108
8.	Коммуникатив компетенцияга эгалик ва коммуникатив таъсир кўрсатиш малакаси	96 146	105 106	99 48	93 94	101 103	104 101
9.	Шахсга йўналтирилган таълимни ташкил этиш қобилияти	94 148	108 101	98 51	95 99	103 105	100 94
10.	Мустақил малака оширишга ижобий муносабатнинг намоён бўлиши	90 150	98 100	112 50	94 99	100 102	104 97
11.	«Таянч мактаблар»нинг фаолиятида маҳорат дарсларини ташкил этиш қобилияти	93 143	101 101	106 56	90 95	99 100	109 103
12.	Туман методистлари билан ҳамкорлик фаолиятининг йўлга қўйилганлиги	96 148	105 109	99 43	95 96	102 103	101 99
13.	«Таянч мактаблар» фаолиятида фаол иштироки	90 140	102 100	108 60	94 92	103 101	101 105
14.	Таълим сайтлардан фойдаланиш қобилияти	87 137	96 102	117 61	89 93	99 100	110 105
15.	Касбий компетентлигини ривожлантиришга барқарор эҳтиёжнинг намоён бўлиши	89 149	99 105	112 46	96 98	102 101	100 99
16.	Инновацияларни яратиш, жорий этиш ва фойдаланиш малакаси	88 141	103 101	109 58	94 93	99 100	105 105
17.	Устоз-шогирд мактаби асосида илғор иш тажрибаларини ўзлаштириши	95 155	102 99	103 46	91 93	100 102	107 103
18.	Таълим жараёнига педагогик технологияларни қўллаш лаёқати	91 161	100 98	109 41	98 104	101 101	99 93
19.	Ўқитувчининг илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлиги	93 143	99 101	108 56	100 99	99 99	99 100
20.	Узлуксиз малака ошириш орқали таълим сифатини оширишдаги иштироки	96 139	100 103	104 58	102 100	96 98	100 100
Ж а м и:		1856 2924	2024 2040	2120 1036	1871 1918	2005 2015	2084 2027
Ў р т а ч а:		93 146	101 102	106 52	94 96	100 101	104 101
Фоизларда:		31 48,7	33,7 34	35,3 17,3	31,5 32,2	33,6 33,9	34,9 33,9

1-жадвал натижаларига асосланган ҳолда ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришнинг умумлашган-амалий, назарий-концептуал, амалий-моделлаштирувчи ва ижодий-таҳлилий даражаси самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижалари тўғрисида 20 та мезон бўйича тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўртача ўзлаштириш Стьюдент ва Пирсоннинг χ^2 математик статистика методи ёрдамида таҳлил этилди. Тажриба-синовда 598 нафар тингловчи қатнашди.

Масаланинг қисқача моҳияти қуйидагилардан иборат: иккита бош тўп-лам берилган бўлсин. Бири – тажриба гуруҳи, иккинчиси эса – назорат гуруҳи тингловчилари билимининг ўртача баллари. Баҳолар нормал тақсимотга эга деб ҳисобланади. Бундай фарз ўринлидир, чунки нормал тақсимотга яқинлашиш шартлари содда бўлиб, улар бажарилади.

Юқоридаги жаdвал асосида тажриба ва назорат гуруҳи ўзлаштиришлари самарадорлигини кўрсатувчи H_1 гипотеза ва унга зид бўлган H_0 гипотезани танлаймиз.


Юқоридаги жаdвалдан тажриба ва назорат гуруҳларидаги натижаларни қуйидаги жаdвалда акс эттирамиз:

2-жаdвал


Ўқитувчилар касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўзлаштириш натижалари

Босқичлари	Гуруҳлар	Тингловчилар сони	Жавоблар сони		
			Юқори	Ўрта	Паст
Умумлашган-амалий	Тажриба	300	138	84	78
	Назорат	298	101	89	108
Назарий-концептуал	Тажриба	300	138	93	69
	Назорат	298	104	93	101
Амалий-моделлаштирувчи	Тажриба	300	141	99	60
	Назорат	298	98	104	96
Ижодий-таҳлилий	Тажриба	300	146	102	52
	Назорат	298	96	101	101


Бу кўрсаткичларга мос диаграммалар қуйидагича кўриниш олди:




8-расм. Умумлашган-амалий



9-расм. Назарий-концептуал



10-расм. Амалий-моделлаштирувчи



11-расм. Ижодий-таҳлилий

Юқоридаги натижаларга асосланган ҳолда ўқитувчилар касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришнинг умумлашган-амалий, назарий-концептуал, амалий-моделлаштирувчи ва ижодий-таҳлилий даражалари математик-статистик таҳлил қилиниб, тажриба якунидаги ҳолат учун топилган натижалардан ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стьюдентнинг танланма мезони, Стьюдент мезони асосида эркинлик даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик мезони ва ишончли четланишлари топилди (3-жадвал).

3-жадвал

\bar{X}	\bar{Y}	S_x^2	S_y^2	C_x	C_y	$T_{x,y}$	K	$X_{n,m}^2$	Δ_x	Δ_y
2,2	1,98	0,68	0,6996	2	2	3,28	586,67	10,71	0,09	0,1
2,23	2,01	0,6371	0,6899	2	2	3,28	586,67	10,95	0,09	0,09
2,27	2,01	0,5971	0,6499	2	2	4	608,28	16,17	0,09	0,09
2,32	1,98	0,5576	0,6596	2	2	5,38	600,36	26,03	0,08	0,09

Олинган натижалардан тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичлари ҳисобланди. Умумлашган-амалий босқичда:

Бизга маълумки, $\bar{X}=2,2$; $\bar{Y}=1,98$ $\Delta_x = 0,09$; $\Delta_y = 0,1$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{y\text{сб}} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,2 - 0,09}{1,98 + 0,1} = \frac{2,11}{2,08} = 1,01 > 1;$$

$$K_{\text{одб}} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,2 - 0,09) - (1,98 - 0,1) = 2,11 - 1,88 = 0,23 > 0;$$

Назарий-концептуал босқичда:

Бизга маълумки, $\bar{X}=2,23$; $\bar{Y}=2,01$; $\Delta_x = 0,09$; $\Delta_y = 0,09$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{y\text{сб}} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,23 - 0,09}{2,01 + 0,09} = \frac{2,14}{2,1} = 1,02 > 1;$$

$$K_{\text{одб}} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,23 - 0,09) - (2,01 - 0,09) = 2,14 - 1,92 = 0,22 > 0;$$

Амалий-моделлаштирувчи босқичда:

Бизга маълумки, $\bar{X}=2,27$; $\bar{Y}=2,01$; $\Delta_x = 0,09$; $\Delta_y = 0,09$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{yob} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,27 - 0,09}{2,01 + 0,09} = \frac{2,18}{2,1} = 1,04 > 1;$$

$$K_{odob} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,27 - 0,09) - (2,01 - 0,09) = 2,18 - 1,92 = 0,26 > 0;$$

Ижодий-таҳлилий босқичда:

Бизга маълумки, $\bar{X}=2,32$; $\bar{Y}=1,98$ $\Delta_x = 0,08$; $\Delta_y = 0,09$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{yob} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,32 - 0,08}{1,98 + 0,09} = \frac{2,24}{2,07} = 1,08 > 1;$$

$$K_{odob} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,32 - 0,08) - (1,98 - 0,09) = 2,24 - 1,89 = 0,35 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан.

Демак, ўқитувчилар касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришнинг умумлашган-амалий, назарий-концептуал, амалий-моделлаштирувчи ва ижодий-таҳлилий даражаси самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишларидан юқори натижага эришилгани статистик таҳлилдан маълум бўлди.

ХУЛОСА

1. Малака ошириш тизимини модернизациялаш жараёнида ўқитувчилар касбий компетентлигини ривожлантириш орқали умумий ўрта таълимнинг сифати ва самарадорлиги таъминланади. Шунга кўра, мазкур жараён ўқитувчиларнинг педагогик инновацияларни самарали, узлуксиз ва мунтазам ўзлаштиришига йўналтирилиши керак. Ўқитувчиларнинг педагогик инновацияларни ўзлаштириш жараёнининг таркибий қисмлари сифатида: майлли-йўналтирувчи; мазмунли-операцион; кадриятли-таҳлилий қисмларни кўрсатиш мумкин. Мазкур қисмларнинг ҳар бири ўқитувчиларнинг педагогик инновацияларни ўзлаштиришлари жараёнида ўзига хос аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам улар ўзига хос бўлган тушунчалар билан мунтазам бойиб боради.

2. Ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириш жараёнида педагогик инновацияларни ўзлаштириш ва уларни қўллашга оид маҳоратлари мунтазам ташхисланиб, баҳоланиб борилади. Чунки касбий маҳоратнинг мавжуд даражасини баҳоламасдан туриб, ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириш тизими мазмунини белгилаш имконсиздир. Узлуксиз малака ошириш

жараёнида ўқитувчилар томонидан ўзлаштирилган педагогик инновацияларнинг маҳсулдорлик даражасини қайд этиш, педагогларнинг мазкур йўналишдаги билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш ва баҳолаш, уларнинг касбий ривожланишини жадаллаштириш мақсадида moa.uzedu.uz ахборот тизими амалиётга татбиқ қилинди.

3. Ўқитувчилар томонидан ўзлаштирилган педагогик инновацияларни тизимлаштириш, уларнинг мустақил билим олиш ва касбий ривожланиш йўналишларини аниқлаш, уларнинг компетентлилик даражаларини объектив баҳолаш, ўқув жараёнини автоматлаштириш ва масофадан ўқитиш masofa.uzedu.uz ахборот тизимини амалиётга жорий этиш орқали ўқитувчиларнинг касбий компетентлиги такомиллаштирилади.

4. Ўқитувчилар ўз касбий инновацион фаолиятининг мавжуд даражаларини аниқлаш ва баҳолаш жараёнида касбий фаолияти сифати ҳақида аниқ тасаввурга эга бўладилар, ўз ютуқ ва камчиликларини яққол идрок этадилар. Ўқитувчиларнинг касбий инновацион фаолиятини баҳолашда муайян мезонларга амал қилинади.

5. Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг педагогик инновацияларни самарали ўзлаштиришида ўқув вазиятлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уларни ўзлаштиришнинг ҳар бир босқичида мақсадга мувофиқ тарзда танлаш, тизимлаштириш ва педагогик жараёнга татбиқ этиш кутилган самарадорликка эришиш имконини беради.

6. Узлуксиз малака ошириш жараёнида ўқитувчилар касбий компетентлигини ривожлантириш мақсадида таълим жараёнининг мазмунини танлаш муҳим назарий-амалий аҳамиятга эга. Ушбу мазмунни танлашда, биринчи навбатда, таълим жараёнига қўйилган ижтимоий буюртма ва ўқитувчиларнинг касбий эҳтиёжларидан келиб чиқиш талаб қилинади.

7. Ўқитувчиларнинг инновацион педагогик фаолиятини ташхислашда унинг бир қатор турларини билиш ва муайян тамойилларга амал қилиш талаб этилади. Ўқитувчиларнинг касбий инновацион фаолиятини олдиндан ташхислашнинг мақсади тингловчиларнинг касбий тайёргарлик даражасини ривожлантириш дастури ва шу йўналишдаги иш режасини тузиш учун уларнинг мавжуд касбий даражасини аниқлашдан иборат. Ўқитувчиларнинг касбий инновацион фаолиятини якуний ташхислашдан кўзланган мақсад эса педагоглар малакасини узлуксиз оширишга йўналтирилган педагогик жараён сифати ва самарадорлигини баҳолаш, уларни ривожлантириш дастурига мунтазам тузатишлар киритиш, тингловчиларнинг педагогик инновацияларни ўзлаштириш жараёнини ташкил этиш ва бу жараён мазмунини аниқлаш асосида ўқув дастурлари, маъруза матнлари ва иш режасини тузиш имконини беради.

8. Ўқитувчиларнинг инновацион педагогик фаолияти даражасини ўрганиш бўйича белгиланган вазифаларга мувофиқ тарзда қўлланиладиган методлар бир неча гуруҳларга, хусусан:

касбий фаолиятнинг психологик хусусиятларини аниқлашга хизмат қиладиган методлар;

касбий педагогик фаолиятни ташхислаш методлари (миқдор кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида);

тадқиқотчилик методлари (бундай методлардан ўқитувчиларнинг инновацион ғояларини аниқлаш мақсадида фойдаланилади);

ўқитувчилар касбий педагогик фаолиятлари ривожланишини аниқлаш мақсадида шакллантирувчи методларга бўлинади.

9. Ўқитувчиларнинг узлуксиз малака оширишлари натижасида уларнинг педагогик инновацияларни ўзлаштириш жараёнлари тезлашади ва инновацион фаолият кўрсатиш тажрибалари ортади. Ёш мутахассисларда инновацион педагогик фаолият тажрибалари етарлича шаклланмаганлиги учун ҳам уларнинг малакасини «Маҳорат мактаблари» орқали ривожлантириш тажрибасини кенг ёйиш мақсадга мувофиқдир.

10. Тингловчилар малака ошириш курсларида касбий билимлар инновацион педагогик фаолиятни ўзлаштиришнинг умумлашган-амалий, назарий-концептуал, амалий-моделлаштирувчи, ижодий-таҳлилий даражаларида ривожлантирилиши назарда тутилади. Биз тажриба-синов ишларини ташкил этишда тингловчиларнинг педагогик инновацияларни ўзлаштиришларини худди мана шу уч даражада амалга оширишга йўналтирилган педагогик воситаларни танлаб, ўқув жараёнига татбиқ этдик.

11. Тингловчиларнинг педагогик инновацияларни умумлашган-амалий, назарий-концептуал, амалий-моделлаштирувчи, ижодий-таҳлилий даражаларда ўзлаштирганликларининг самарадорлиги статистик таҳлиллар натижасида ўз тасдиғини топди. Бу эса тадқиқот концепциясининг тўғри белгиланганлигини асослаш имконини берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НУКУССКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**УЗБЕКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК**

БОЙМУРОВОДА ГУЛЗОДА ТОШТЕМИРОВНА

**МЕХАНИЗМ НЕПРЕРЫВНОГО РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ
КОМПЕТЕНТНОСТИ УЧИТЕЛЯ В ПРОЦЕССЕ МОДЕРНИЗАЦИИ
СИСТЕМЫ ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

НУКУС – 2020

Тема диссертации доктора педагогических наук (DSc) зарегистрирована под номером В 2017.1.DSc/Yu26в Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Узбекском научно-исследовательском институте педагогических наук.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице (www.ndpi.uz) Ученого совета и на Информационном - образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net)

Научный консультант:	Джураев Рисбой Хайдарович доктор педагогических наук, академик
Официальные оппоненты:	Адизов Бахтиёр Рахмонович доктор педагогических наук, профессор Ходжаев Бегзод Худойбердиевич доктор педагогических наук, профессор Эгамбердиева Нодира Мелибоевна доктор педагогических наук, профессор
Ведущая организация:	Каршинский государственный университет

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 20__ года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 по присуждению ученых степеней при Нукусском государственном педагогическом институте. (Адрес: 230105, город Нукус, улица П.Сейтова) Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75; e-mail: nkspi_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Нукусского государственного института (зарегистрирована под номером ____). Адрес: город Нукус, улица П.Сейтова) Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75.

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 20__ г.
(реестр протокола рассылки № ____ от « ____ » _____ 20__ года).

Ж.Базарбаев

Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д. филос.н., академик

З.Курбаниязова

Учёный секретарь научного
совета по присуждению ученых
степеней, к.п.н., доцент

Т.Т.Утебаев

Председатель Научного
семинара при научном совете по
присуждению учёных степеней, д.п.н.,
доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Совершенствование системы непрерывного профессионального развития педагогических кадров в мире, развитие профессиональной компетентности педагогов в связи с инновациями в сфере образования имеет первостепенное значение. Особое внимание уделяется интеграции независимых и альтернативных форм обучения, развитию индивидуально-ориентированной профессиональной подготовки и совершенствованию андрогогических технологий образования. Регулярное обновление профессиональных знаний, навыков и умений, необходимых для стимулирования мотивации самостоятельного и личностного развития преподавательского состава посредством модернизации системы профессионального развития, для содействия постоянному развитию профессиональных и педагогических навыков является актуальной.

В мире проводится ряд научных исследований, направленных на совершенствование системы повышения квалификации учителей, основанной на спросе, обеспечения полной реализации на практике и мониторинга прямых и косвенных форм профессионального развития. В то же время важно совершенствовать механизмы повышения квалификации, направленных на повышение профессиональных навыков учителей в развитии компетенций по освоению и внедрению в учебный процесс передовых педагогических, информационно-коммуникационных и инновационных технологий, используя всемирные интернет-информационные, мультимедийные системы и методы дистанционного обучения.

Особое внимание уделяется внедрению механизмов непрерывного развития профессиональной компетентности преподавательского состава в республике, внедрению прямых и косвенных форм профессионального развития в соответствии с современными требованиями на основе принципов вариации и преемственности. Также важно совершенствовать систему профессиональной компетентности путем разработки дидактического обеспечения процессов модернизации повышения квалификации, направленных на развитие профессиональной компетентности педагогов и установление аксиологического подхода к педагогической деятельности. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан была определена в качестве приоритета: «Дальнейшее совершенствование системы непрерывного образования, расширения возможностей для качественных образовательных услуг и продолжения политики подготовки высококвалифицированных специалистов в соответствии с современными потребностями рынка труда»¹. Это требует совершенствования организационно-функциональной модели и технологии организации

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. 6-сон, 70-модда.

самостоятельных процессов профессионального развития, определения параметров и показателей, влияющих на непрерывное развитие профессиональной компетентности педагогов в процессе модернизации системы профессионального развития.

Это диссертационное исследование будет способствовать реализации целей, изложенных в других нормативных актах, касающихся этой деятельности и послужило выполнению задач Указа Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, Указа Президента Республики Узбекистан от 5 сентября 2018 года УП-5538 «О дополнительных мерах по совершенствованию системы управления народным образованием», Указа Президента Республики Узбекистан от 29 апреля 2019 года УП-5712 «Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года» и Постановления ПП -3289 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы подготовки педагогических кадров, переподготовки и повышения квалификации работников народного образования» от 26 сентября 2017 года, Постановления Кабинета Министров № 797 от 23 сентября 2019 года «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы повышения квалификации руководящих и педагогических кадров высших образовательных учреждений».

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Настоящее исследование проводилось в рамках приоритетного направления развития науки и техники в Республике Узбекистан: «Морально-культурное развитие демократического, и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации². Научные исследования, связанные с постоянным развитием профессиональной компетентности преподавателей в процессе модернизации системы повышения квалификации проводится в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, включая Массачусетский специализированный центр (США), Манчестерский специализированный центр (Великобритания), Академические миссии по переподготовке национальной системы образования (Франция), Местные школьные департаменты (Германия), специализированный учебный центр при Нагойском университете (Япония), Региональные центры переподготовки и повышения квалификации работников народного образования (Узбекистан). Была разработана супервайзерская система повышения квалификации в результате осуществления исследований в мире по

² Мазкур кимни ёзишда куйидаги манбаларга асосланилди: Heise M. Professionelles Lernen jenseits von Fortbildungnahmen /Heise // Zeitschrift für Erziehungswissenschaften. – 2007. – № 10 (4). – S.513-53.; McKee, C.W., Johnson, M., Ritchie, W. F., & Tew, W. M. Professional Development of the Faculty: Past and Present. New Directions for Teaching and Learning, Los-Angeles, 2013 – P. 15-20.; Sturm, J. Das Lehrer fort bildungs project Grieskirchen: Ein Modell versuch im landlichen Raum / J. Sturm // Erziehung und Unterricht - 1991. - Heft 131. – S.21-34.; The European Commission on New modes of learning and teaching in higher education. October, 2014. Luxembourg: Publications Office of the European Union. – 2014. – 68 p.; Vincent Greney, Thomas Kellaghan. Assessing National Achievement Levels in Education. The World Bank. 2008. Washington. – P.57-63.

непрерывному развитию профессиональной компетентности преподавателей в процессе модернизации системы повышения квалификации (Массачусетский специализированный центр); разработаны специальные модульно-обучающие программы для непрерывного профессионального развития компетентности учителей (Манчестерский специализированный центр); разработана система ориентированных на человека технологий, которая стимулирует педагогическое мышление и творческую активность (Академические миссии сотрудников Национальной системы образования);

усовершенствован механизм краткосрочных и долгосрочных учебных курсов (Администрация местных школ); разработана технология организации вечерних и заочных курсов (Специализированный центр повышения квалификации при университете Нагоя), усовершенствован механизм организации учебных курсов на основе потребностей (Региональные центры переподготовки и повышения квалификации работников народного образования).

В процессе модернизации мировой системы повышения квалификации проводятся исследования непрерывного развития профессиональной компетентности педагогов по следующим приоритетным направлениям: совершенствование механизма обеспечения профессиональной мобильности преподавателей на курсах повышения квалификации на основе модульных образовательных технологий; разработка рефлексивных технологий для профессионального развития учителей; совершенствование механизмов профессиональной социализации на основе андрогогического подхода.

Степень изученности проблемы. Требования к профессиональной подготовке учителей, проблемы развития и формирования профессиональных навыков учителей исследованы такими учеными, как: А.Алиев, Х.Абдукаримов; Н.Азизходжаева, М.Очилов, Н.Сайдахмедов, У.Толипов, совершенствование управления качеством при подготовке работников народного образования Х.Абдукаримов, Р.Х. Джураев, О.Мусурмонова, Б.Мамуров, М.Н.Нишанов, Б.С. Нуриддинов Р.Г.Сафарова, С.Т.Тургунов, Ж.Г.Юлдашев, С.Х.Курбонов³.

³ Абдукаримов Х. Профессиональное воспитание личности учителя в процессе непрерывного образования. Автореф. докт. дисс. – Ташкент, 1998. – 48 с.; Джураев Р.Х. Теория и практика интенсификации профессиональной подготовки учащихся. – Ташкент: 1992. – 159 с.; Мусурмонова О. Ўқитувчининг ижодкорлиги – давр талаби. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 110 б.; Маъмуров Б. Ўқувчи шахсига йўналтирилган ўқув-билув жараёнини ташкил этишнинг педагогик шарт-шароитлари. п.ф.н. дисс. автореф. – Тошкент, 2009.-26 б. Нишанов М.Н. Повышение квалификации педагогических кадров и задачи институтов усовершенствования учителей. – Ташкент, 1980. – 39 с.; Нуриддинов Б.С. Касб таълими ўқитувчилари малакасини оширишда фаол ўқитиш методларидан фойдаланиш. Номзод. дисс. автореф. – Тошкент, 2002. – 16 б.; Сафарова Р.Г. Истикболдаги таълим мазмунини модернизациялашнинг дидактик асослари. – Тошкент: Фан, 2009. – 240 б.; Тургунов С.Т. Ўқитувчиларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришда таълим муассасаси раҳбарларининг функционал вазифалари. – Тошкент: Сано-стандарт, 2011. – 146 б.; Йўлдошев Ж.Ф. Малака оширишнинг назарий ва методологик асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1998. – 208 б.; Курбонов Ш.Э. Миллий истиклол ғоясини шакллантиришда ташкилий-услубий ёндашувлар. – Тошкент: Академия, 2002. – 280 б.

Социально-педагогические основы качественного управления общим средним народным образованием исследовали Р.Ахлидинов, Р.Х.Джураев, А.В.Глухов, К.Мусаев, С.Т.Тургунов, Г.С.Трофимова Ф.Хедоури⁴.

Проблемы профессионального развития учителей, инноваций в учебный процесс представлены в работах А.Х.Аминова, М.Жуманиязовой Ш.К.Мардонова, Ш.Пулатова, Т.Умматкулова М.Юлдашева; вопросы духовно-воспитательных, философских аспектов образования и истории организации и развития образовательного процесса У.Алеуов, Ж.Базарбаева, Т.Джемуратова, Т. Утебаева⁵.

Учеными СНГ такими как О.А.Абдулина, А.Я.Данилюк, О.Г.Егоров, С.Б.Элканов, Ю.Конаржевский, Ю.Н.Кулуткина, Н.Е.Кузьмина, В.С.Кузнецова, Л.М.Митина, А.А.Вербитицкий, И.Зязюна исследованы и нашли отражение в трудах вопросы теоретико-практических основ подготовки и деятельности учителей⁶.

